





АЛИШЕР НАВОИЙ

ЛАЙЛИ
ВА
МАЖНУН

(ДОСТОННИНГ ИХЧАМ НАСРИЙ БАЁНИ)



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

Буюк ватандошимиз Алишер Навоий асарларини билиш, уларнинг жаҳон ва ўзбек адабиётларининг гоёвий-бадий тараққиётига қўнган буюк ҳиссаси мазмун ва моҳиятини англаб етиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Қўлингиздаги китоб шоир қаламига мансуб «Лайли ва Мажнун» достонининг ихчам насрий баёни бўлиб, ушбу дурдона асарнинг асосий мазмунини англаб етишингизга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Достон матнини қисқартириб баён этувчи:

Анвар ҲОҶИИАҲМЕДОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Тақризчи:

Омонилло МАДАЕВ,
ЎзМУ доценти, филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-08-316-5

© «Лайли ва Мажнун». «Янги аср авлоди», 2008 йил

МУҚАДДИМА

Бундан ўн уч аср муқаддам, аниқроғи VII аср охирида араб қабилалари ўртасида оташин муҳаббат ҳақидаги шеърлар тарқала бошлади. Уларда гўзал бир қизга ошиқ бўлиб, маҳбубаси висолига етишолмай, изтироб чекаётган йигитнинг кучли дарду армонлари, севгилисининг ҳусну жамоли таърифи, унга бўлган самимий муҳаббати эҳтирослари бир-бирдан нафис байтлар зимнига жо қилинган эди. Баъзилар бу ошиқ йигит Бани Омир қабиласидан бўлиб, исми Қайс ибн Мулаввах ёки Қайс ибн Муод, севгилисининг номи эса Лайли экани, қизнинг отаси розилик бермагани туфайли унга етишолмай, эс-хушидан айрилиши, эл орасида Мажнун, яъни телба, девона деб танилгани ҳақида гапиришарди. Бора-бора бу шеърлар шу қадар машҳур бўлиб кетдики, уларни тўплаб, китоблар тузилди. Йиллар, асрлар ўтиб мазкур асарларнинг яратилиши тарихи ҳақида ривоятлар ҳам пайдо бўлиб, Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсоналар яратила бошлади. XI асрда яшаган ибн Қутайбанинг «Китоб уш-шеър ва шуаро» асаридадан ушбу афсона ҳам ўрин олган эди.

Фожиали ишқ қўшиғи бўлган бу асар кейинчалик Арабистондан бошқа мамлакатлар, Эрон ва Турон халқлари ўртасида ҳам машҳур бўлиб, бу ўлкаларнинг шоирлари диққатини ўзига жалб эта бошлади. 1188 йили озарбайжонлик етук мутафаккир шоир Низомий Ганжавийнинг «Лайли ва Мажнун» достони майдонга келиб, унинг «Хамса» асари таркибида жаҳонга тарқалди. Покиза ва оташин муҳаббатни тараннум этган ушбу дoston таъсирида бошқа халқларнинг ижодкорлари ҳам Низомий достонига назиралар ярата бошладилар. Ҳинд – форс шоири Хисрав Деҳ-

лавийнинг 1298-99 йиллари битилган «Мажнун ва Лайли» достони шундай асарлардан бири эди. Унда Мажнуннинг гўзал Лайлига бўлган севгиси билан боғлиқ воқеалар баёни янги тафсилотлар билан тўлдирилган, асосий тимсоллар бир қатор фазилятлар билан бойитилган эди. Яқин ва Ўрта Шарқнинг форс тилида сўзлашувчи халқлари Низомий ва Хисрав Деҳлавий дostonларидан кенг баҳраманд бўлсалар, туркий ва бошқа халқларнинг зиёлилари, форс тилини билувчи саводхон кишиларгина уларни ўқиш имконига эга эдилар. XV аср охирларида туркий халқлар ҳам ўз тилларида яратилган «Лайли ва Мажнун» асари билан танишиш бахтига муяссар бўлдилар. Шарқда тарқалган «Хамса» чилик анъанасига ўз ҳиссасини қўшиб, бешта дostonдан ташкил топган асар битган мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий туркий халқларни 1483-85 йилларда «Ҳайрат ул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъан сайёр», «Садди Искандарий» дostonлари қаторида ана шу афсона билан ҳам таништиришдек шарафли вазифани адо этди. Бу ҳақда шоир дostonнинг хулоса бобида шундай деб ёзган эди:

*Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шухрати чун жаҳонга тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай.
Невҷунки буқун жаҳонда атроқ
Кўбтур хуштабъу софи идрок.*

Натижада, ушбу асар ҳам барча туркигўй халқлар орасида эътибор қозонди, бу тилда яна кўплаб шу мавзудаги дostonларнинг яратилишига кучли таъсир кўрсатди.

Навоий қаламига мансуб ушбу бадийий обида ўз мазмуни, тимсоллари жиҳатидан Низомий ва Хисрав Деҳлавийларнинг дostonларига яқин бўлса ҳам тасвир усули, воқеалар баёнининг кенг кўламлилиги, Мажнун, Лайли, Навфал, ота-оналар, Зайд, чўпон каби тимсолларнинг тўла-

қонлиги, хусусан, бош қаҳрамонлар руҳий олами, табиат манзараларининг мукамал ва таъсирчан тасвири, рангбаранг шеърый санъатларга бойлиги, тилининг аниқлиги ва жозибадорлиги, хилма-хил қофияларнинг мазмундорлиги ва бадий нафосати билан шу мавзудаги бошқа барча асарлардан ажралиб туради. Етук адабиётшунос олим Е.Э.Бертельснинг «Биз кўриб чиққан барча назиралар ичида фақат ушбу дostonгина катта бадий аҳамият касб этишга сазовордир¹», – деган юксак баҳоси билан Навоий «Лайли ва Мажнун»нинг жаҳон адабиётидаги беқиёс ўрнини таъкидлаб кўрсатган эди.

Кўлингиздаги китоб мазкур асарнинг ихчам насрий баёни бўлиб, дoston мазмуни ва бадий қиймати билан янада осонроқ танишишингизга ёрдам бериш мақсадини кўзлайди. Унда Навоий асаридаги барча воқеалар сақланган бўлиб, қаҳрамонларнинг ички туйғулари, табиат манзаралари тасвири бироз қисқартириб ифодаланган. Мазкур китоб Навоий «Хамса» сининг ихчам насрий баёнини яратиш йўлидаги бир тажриба бўлиб, камчиликларнинг бўлиши ҳам табиий. Муҳтарам китобхонлар ўз фикрлари билан кейинги нашрни такомиллаштиришга ёрдам бердилар, деб умид қиламиз.

¹ Е.Э.Бертельс. Избранные труды. Низами и Фозули. ИВЛ, М., 1962, стр. 302

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

Араблар диёрида шу ўлканинг бошлиғи бўлган бир улус ҳукмдор яшарди. Кўпдан-кўп қабилалар унга бўйсунарди. Ҳамма унинг бахтини тилашарди. Чунки у барча бечора, муҳтож одамларга меҳрибонлик кўрсатувчи, дастурхони ҳамиша ҳаммага очиқ бўлган меҳмоннавоз киши эди. Қозони остидан олов ҳамиша ўчмасдан саҳрода адашиб қолган инсонларга кечалари юлдуз мисоли доимо йўл кўрсатиб турарди. Ҳукмдор илми эъзозлар, доимо ўз илмини ошириб борарди. Оту туяларининг, қўю қўзиларининг ҳисобига ҳам етиб бўлмасди. Мол-дунёси мўл-қўл бўлса ҳам, унинг фарзанди йўқ бўлиб, шундан изтироб чекарди. Агар ҳаёти дарахти йиқилгудек бўлса, агар унинг ёнида бир ёш новда ўсиб келаётган бўлса, у кексайган дарахтга соя солган бўларди. Бир вориси бўлганда эди, ҳукмдорнинг мол-дунёси осмонга соврулмасди, умр қуёши сўнса, янги туғилган қуёш ўз нури билан қабилани ёритган бўларди. Шулар ҳақида ўйлар экан, Тангрига тўхтовсиз тавба-тазаррулар қилиб, ўз орзусига етказишини тинмай илтижо қиларди. Ниҳоят, унинг орзуси ушалди: Тангри унга ажойиб бир ўғил фарзанд берди. Шодликларга тўлиб тошган ота беҳад гавҳарларни сочиб, ўғли билан фахрланиб, фарзандига Қайс деб исм қўйди. Бу унинг отасининг исми эди.

Қанча-қанча доялар уни парвариш қилишга киришишди, қимматбаҳо матолар, мўйнаю пўстинларга ўраб уни бешикка ётқиздилар. Улар болани кўз қорачиғидек асрашар, бирор совуқ шамолнинг унга тегишига йўл қўйишмасди. Ойлар, йиллар ўтиб, сўйлашни ўргангач, ақлли фикрлари, доно сўзлари билан одамларни лол қила бошлади. Унинг ҳар бир сўзи элга мақбул бўлиб, дилларига ёқиб тушарди.

Унинг донолиги, дилга ёқувчи сўзлари қабилаларга тарқалиб, одамлар уни кўришга кела бошладилар. Баъзилар унинг юзига ҳайрат билан боқсалар, бошқалари сўзлари мағзини чақишга интилишар, муҳтожлар уни жонларидан севиб, тўхтовсиз дуо қилишарди. Отаси билан онаси ҳам икки ошиқ каби уни маъшуқадек кўришар, ёмон кўзлардан асраш учун уни жон пардаси билан тўсиб, кўз қорачиқларини исириқ қилишга интилишарди.

Қайсининг ёши тўрт-беш орасида экан, отаси унга таълим бериш вақти етганини англади. Ўғлини ўқитиш учун қабилалар ичидан доно бир устозни топиб келишга буюрди. Токи унинг фарзанди устоз илмидан баҳраманд бўлиб, бор илмлардан хабардор бўлсин, илму фанларни ўзлаштириб элга танилсин ва оламда баланд обрўга эга бўлсин.

Ниҳоят Қайсга таълим берувчи донишманд бир муаллимни излаб топдилар. Аммо у бошқа бир қабилада мактабдорлик қилиб, ҳар куни дарс бергани учун ўзга бирон жойга боролмасди. У қабилянинг сардори қабиладошларига ҳар ишда меҳрибонлик кўрсатувчи, юқори шон-шарафга эга бўлган ҳукмдор бўлиб, очиққўлликда қуёшга монанд эди. Аммо қаҳри келганда саҳронинг иссиқ шамоли каби раҳмсиз бўлиб, қўлида тошларни мумдек эритишга ҳам қодир эди.

Сардорнинг беҳисоб дуру гавҳарлари бўлиб, уларнинг биттаси билан алоҳида фахрланарди. Бўстонида юзлаб чиройли гуллар бўлса ҳам, улардан биттаси билан димоғи хуш эди. Учқуни шарқ қуёшидек бўлган бир машъал билан кўзи нурли, оламни равшан этувчи бир шамъдан хонадони чароғон ва чиройли эди.

*Шамъею не шамъ, чашмаи нур,
Нуреки ямон кўз олидин дур.
Нахлею не нахл, сарви озод,
Сарвею, не сарв рашки шамшиод.
Ойею не ой, бадри толеъ,
Бадрею не бадр, меҳри ломеъ.*

*Шаҳд икки лаби, вале ратабиъи,
Бадр икки юзи, вале қасабиъи.
Зулфи тунида узори хуришед.
Хуришед уза зулфи шони уммед...
... Йўқ икки сочи тунига гоят,
Яъни ики лайли бениҳоят.
Андин бўлуб оти жилва орой,
Андоқки бароту қадр аро ой.
Кимники бўлуб демакка майли,
Малфуз йлмаи багайри Лайли.*

Отаси бу гўзал ва доно қизи учун бир уйни ясатиб, унга мактаб қилиб берган, ҳали айтиб ўтганимиз донишманд устоз унга таълим берар, гўёки фариштадан ҳур илм касб этарди. Ушбу мактабда қабиланинг кўпгина болалари ҳам таълим олишарди. Осмонни юлдузлар тўлдирганидек, мактаб ҳам болалар билан тўла бўлиб, Лайли шу юлдузлар орасидаги ойга ўхшарди.

Ўғлини ўқитиш орзусида бўлган Қайсининг отаси ҳам ўз қабиласида мактаб ва устод бўлмагани туфайли фарзандини ушбу устозга топширди. Қайс ғайрат билан таълим олишга киришиб кетди. У муаллимнинг барча топшириқларини тўла-тўкис бажо этар, ҳатто баъзи дарсларни аввалдан ўрганиб олиб, дўстларини ҳайратда қолдирарди. Баъзи кунларда беш-ўн дарс топшириқларини ўзлаштириб оларди. Шу залда ғайрат билан ўқиб, барча билимларда ягона бўлиб олди.

Қайс мактабга қатнашни бошлаган вақтда, Лайли бир дардга чалиниб, иситмадан азобланиб касал ётгани учун таълим олишга келолмаётган эди. Мижози иссиқ бўлган Лайли асал билан хурмони яхши кўрарди. Бунинг устига саҳронинг иссиқ ҳавоси ҳам қўшилиб, унинг иситмаланишига сабаб бўлганди. Қизни иситма чоғида титраш ҳам қаттиқ безовта қиларди. Табибларнинг муолажалари ҳам фойда бермаётганди. Анча вақт ўтгач, табиатнинг ўзи мадаккор бўлди-ю, қизнинг жисмидаги дард аста чекина бошла-

ди. Табибларнинг дорулари охири фойда бериб, юзлари, лабларига қизил югурди, парҳезлардан ҳам қутулиб, қуввати ўзига келди. Тамомила соғайгач, бир куни дугоналарини эргаштириб, мактаби томон йўл олди.

Олам безакчиси унга пардоз бериб, жаҳон чиройи бўлган бу ҳусн зебига яна зеб қўшди. Зулфи билан юзи «хад» сўзини ёзгандаги «дол» ҳарфига, «фам» сўзининг нуқтаси эса оғзи устидаги холга ўхшарди. Ўтдан гулистонга гул очиб, у гул билан жаҳонга ўт солган эди. Фарқи олдидаги зулфи анбарга ўхшаган қоп-қора бўлиб, гулранг ўтига анбар мисол қора тутун сочиб турарди. Юзи устидаги нақшли тиллақош бу ўт билан тутуннинг учқунлари бўлиб кўринарди. Пешонаси ҳам ўт мисоли бўлиб, оловранг лаби бу ўтнинг чўғи эди. Ҳиндуларга ўхшаш қоп-қора холи лабининг ўти ичига сув яширган бўлиб, бу, ҳаёт суви эди. Бу лаб ўтидан жаҳон куйгудек, йўқ-йўқ жаҳонгина эмас, жон куйгудек кўринарди. Ўтли икки кўзи сурмаланган бўлиб ўша ўтларга бу сурмадан тутун таралиб турар, бу ўтлар орасида юзи фарқ бўлиб, жаҳонни ўртайдиган чақмоқ мисоли эди. Бу юз оддий чақмоқ эмас, балки офат чақмоғи ёки латофат яшини эди.

Юзи атрофидаги икки гавҳар гўё ой билан юлдуздек ярқираб турар, сочи устидаги рўмоли ноёб ишлардан тўқилган бўлиб, худди висол шомидидаги ойдиннинг ўзи эди. Ҳуснда оёғидан бошигача гўзал бўлиб, бошдан оёғигача маҳбуб, суюкли эди. Шундай жамоли билан жаҳонга, саккиз осмонга ғавфо солиб, бир нечта тенг қоматли, гул юзли, арғувон яноқли канизлари олдига тушиб мактабга етиб келди. Ҳамдарсларини кўриб кўнглини шодлантириш, уни кўриб хурсанд бўлган устоз болаларни озод қилиб юборса, қизлар билан гулшанга бориб ўйнаб кулиш унинг муддаоси эди. Мактабга кириб келган гўзал Лайлини ҳурмат билан кутиб олган дўстлари ниҳоятда шодланишди. Лекин бу ҳаётбахш баҳор бир ниҳолни хазон қилди. Йўқ, йўқ, у ниҳолга бошдан-оёқ ўт туташди-ю, у ўтга, алангага ай-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1911> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1911> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1911>